

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ НОДИР АБДУСАМИКОВИЧ

**ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАР АСОСИДА ГИДРОФОБЛАШ ВА
СТАБИЛЛАШ ТАЪСИРИГА ЭГА СИРТ ФАОЛ МОДДАЛАРНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Қодиров Нодир Абдусамикович

Органик чиқиндилар асосида гидрофоблаш ва стабиллаш таъсирига эга сирт
фаол моддаларни олиш технологияси.....3

Кадыров Нодир Абдусамикович

Технология получения поверхностно-активных веществ с
гидрофобизирующим и стабилизирующим действием на основе
органических отходов.....29

Kadirov Nodir Abdusamikovich

Technology for the production of surfactants with hydrophobic and stabilizing
action based on organic waste..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ НОДИР АБДУСАМИКОВИЧ

**ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАР АСОСИДА ГИДРОФОБЛАШ ВА
СТАБИЛЛАШ ТАЪСИРИГА ЭГА СИРТ ФАОЛ МОДДАЛАРНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2022.3.DSc/T537 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.ionx.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исмаилов Ровшан Исраилович
кимё фанлари доктори, проф.

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Улуг Каримович
кимё фанлари доктори, проф.

Мухамедов Қобилжон Ғофурович
техника фанлари доктори, проф.

Сайдахмедов Элёрбек Эгамберди угли
техника фанлари доктори, проф.

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат кончилик ва технологиялар университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «15» май 2023 йил соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanguz@mail.ru)

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 35-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел: (99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2023 йил « 1 » май куни тарқатилди.
(2023 йил « 1 » май № 35 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д. Эшметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кимё, нефт-газ, геология ва бошқа саноат тармоқларида технологик муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш гидрофобизатор, кўпик ҳосил қилувчи, барқарорлаштирувчи ва пластиклаштирувчи моддалар сифатида ишлайдиган қуйи ва юқори молекуляр сирт фаол моддаларни қўллаш билан узвий боғлиқдир. Сирт фаол моддалар (СФМ) турли саноат жараёнларида, шу жумладан қудуқларни бурғулаш-да ва гидрофобланган донатор минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган модда деб ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, аммиакли селитранинг котиб қолишига қарши воситаларнинг ассортименти чекланган ва уларнинг технологик хусусиятлари ҳар доим ҳам саноатнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб бермайди. Стабилизаторлик ва гидрофобизаторлик хоссаларига эга сирт фаол моддалар (СФМ) яратиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар замонавий назарий ва амалий коллоид кимё учун катта илмий ва амалий аҳамият касб этди.

Дунёда самарали бурғулаш реагентлари ва минерал ўғит қотишга қарши воситалар олиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштирилган технологиясини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада сирт фаол моддалар таркибини синтез қилиш механизмини таҳлил қилиш, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида плёнка ҳосил қилувчи, гидрофоб ва барқарорлаштирувчи сирт фаол моддалар яратиш, уларнинг коллоид кимёвий хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада табиий ва синтетик хомашё, ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида юқори барқарорлаштирувчи плёнка ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлган сирт фаол моддаларни олиш ҳамда уларни халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўллаш борасида илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида учинчи йўналишида «Нефт-газ соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш орқали табиий газ таъминотида ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Бу борада, қаттиқ ва суюқ дисперс системаларнинг хоссаларини бошқариш учун маҳаллий органик хом ашё асосида гидрофоб ва барқарорловчи хоссага эга сувда эрувчан сирт фаол моддалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

3236-сон «2017-2021- йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган».

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Сирт фаол моддаларни синтез қилиш, технологиясини такомиллаштириш, бақарорловчи ва гидрофобловчи реагентларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Petroleum Engineering University (АҚШ), University of Science a Technology (Канада), Mining and Minerals Engineering University of Exeter UK (Англия), China University of Petroleum (Хитой), Avstralian Curtin University of Technogy (Австралия), И.М.Губкин номидаги Россия давлат «Нефт ва газ» университети (Россия), Қозон Федерал университети (Россия), (Азот саноати илмий текшириш институти «ГИАП», Россия). Атырау «Нефт ва газ» институти (Қозоғистон) каби муассасаларда олиб борилмоқда.

Жаҳонда бурғулаш суюқликларининг барқарорлаштирувчи реагентларни синтез қилиш технологиясини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: кўпикланиш хоссага эга янги бинар ионоген ва ноионоген сирт фаол моддалар синтез қилинган (Petroleum Engineering Universite, АҚШ), полисахаридлар асосида полимеризация даражаси юқори бўлган «Тилоза»маркали барқарорловчи реагентнинг бир нечта модификацияси ишлаб чиқилган (University of Science of Technology, Canada), гилмоясиз сувли ва сувсиз, углеводородлар асосидаги гидрофоб ва мойловчи хусусиятга эга бўлган эмульсион суюқликлар олинган (Россия Федерациясининг И.М.Губкин номидаги «Нефт ва газ» давлат университети, Россия), иккиламчи себацин карбон кислотаси ва аминлар асосида аммиак селитранинг қотишга қарши қўлланилувчи композицион сирт фаол моддалар ишлаб чиқилган (Азот саноати илмий текшириш институти «ГИАП», Россия).

Дунёда сирт фаол моддаларни (СФМ) олиш технологиясини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан СФМ ларни олиш технологияларини такомиллаштиришнинг услубий асосларини яратиш; Марказий Осиёнинг мурракаб геотехнологик шароитида

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: https://chemistry.ru/printletter.phptn_id=4920, <http://www.neftelib.ru/neft-slovar-list/r/656/index.shtml>, webmaster: webmaster@ogbus.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқарилган.

СФМ ларни чуқур кудуқларни бурғулашда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда минерал ўғитларни сифатини ошириш мақсадида уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш; турли сирт фаол моддалар композициясини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Академик П.А.Ребиндернинг адсорбция, хўланиш, дисперс системаларни барқарорлигини ўрганиш, флотацион бойитиш, тоғ жинсларини майдалаш, бурғулаш, нефт-газни қайта ишлаш технологик жараёнларини ўрганиш тадқиқотлари коллоид кимё фанига илмий асос бўлиб қолди. У томонидан кашф қилинган қаттиқ жисмларни мустаҳкамлилигининг адсорбцион камайиш эффекти катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳамкасблари ва шогирдлари бўлган Г.И.Фукс, А.Б.Таубман, В.Н.Измайлова, А.А. Абрамзон, Д.Щукин, Н.Н.Серб-Сербиналар томонидан атроф-муҳитнинг қаттиқ жисмларнинг мустаҳкамлилигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлари академик П.А.Ребиндернинг кашфиёти билан боғлиқ.

Ўзбекистонда коллоид кимё фани асосчиларидан академик К.С. Ахмедов ўзларининг шогирдлари С.С. Ҳамраев, Э.А.Арипов, У.К. Ахмедов, С.Н. Аминов, Б.Н.Ҳамидов, А.А. Агзамходжаев, И.К. Сатаев, Х.И. Акбаров, В.П.Гуро билан сувда эрувчан полиэлектролитлар, қуйи ва юқоримолекуляр сирт-фаол моддаларни (СФМ) синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва татбиқ қилиш бўйича янги илмий йўналишларни очдилар.

Мономерлар, полимерлар, газконденсатлар ҳамда ёғ-мой ва кимё саноати иккиламчи маҳсулотлари асосида сополимерланиш, сополиконденсатланиш, оксидланувчан фосфохлорлаш ва бошқа реакциялар асосида юқорида кўрсатилган моддаларнинг синтез қилинишига йўналтирилган илмий асослар ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг, диссертация иши бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ИТД-12-52 “Ёғ-мой чиқиндилари асосида кўпирувчи модда олиш технологиясини ишлаб чиқиш”; ИЗ-20170929142 “Маҳаллий хом ашё асосида сирт фаол моддалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш”, амалий ва инновацион илмий лойиҳа ҳамда “Максам-Чирчик” АЖ билан тузилган “Аммиак селитра қотишига қарши модда олиш технологиясини ишлаб чиқиш” хўжалик шартномалари доираси бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қаттиқ ва суяқ дисперс системаларнинг хоссаларини бошқариш учун маҳаллий органик хом ашё асосида гидрофоб ва барқарорловчи хоссага эга сувда эрувчан сирт фаол моддалар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат .

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёғ-мой ва кимё саноати корхоналарининг қаттиқ ва суяқ чиқиндиларининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш;

дистилланган ёғ кислотаси (ДЁК), иккиламчи моноэтанолламин, парафин асосида гидрофоб СФМларни олиш усулини ва технологиясини ишлаб чиқиш, оптимал параметрларни (босим, харорат, компонентларнинг нисбатлари, реакция вақти, компонентларни қўшиш тартибини) танлаш ва аниқлаш, физик кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

ДЁК куб қолдиги, совун ишлаб чиқиш оқова суви, Шуртан ГКМ ацетилен гидрогенизациясининг иккиламчи катализатори, кунгир кумир кукуни асосида сувдв эрувчан донадор СФМ олиш усулини ва технологиясини ишлаб чиқиш, оптимал технологик параметрларини ва асосий коллоид-кимёвий хоссаларини (адсорбция, сирт фаоллик, кўпикланиш, реология) тадқиқ этиш;

синтез қилинган сувда эрувчан СФМларнинг ва калий гидрооксид асосида олинган акрил полиэлектролитлар билан олинган бургулаш эритмаларни технологик хоссаларини (зичлик, қовушқоқлик, фильтрация, статистик силжиш қуввати, барқарорлик, рН) тадқиқот қилиш;

ДЁК куб қолдиги, нефт битуми, иккиламчи резина кукуни асосида гидроизоляция материал (ГИМ) олиш усулини ишлаб чиқиш, оптимал параметрларни (босим, харорат, компонентларнинг нисбатлари, жараён вақти, компонентларни қўшиш тартиби) танлаш ва аниқлаш, асосий физик кимёвий хоссаларини (гидрофобизация, пенетрация, адгезия, эриш харорати, эгувчанлик) тадқиқ қилиш;

саноат микёсида олинган гидрофоб СФМни сифатли минерал угитлар ишлаб чиқаришда ва донадор сувда эрувчан СФМларни геотехнологик қудуқларни бурғилашда эмульсион-полимер эритмасининг тажриба-саноат синовларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гилмояли суспензия, аммиак селитра, пахта соапстоки дистилланган ёғ кислотаси ва унинг куб қолдиги, совун ишлаб чиқариш оқова суви, иккиламчи моноэтанолламин, парафин, Шуртан ГКМнинг ацетилен гидрогенизация жараёнида олинган иккиламчи катализатор, акрил полиэлектролитлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети иккиламчи органик хом ашёдан ГИМ, гидрофоб ва анионфаол СФМлар олиш усули ва саноат микёсида ишлаб чиқариш технологияси ҳамда уларни физик кимёвий, коллоид кимёвий хоссаларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда минерал ўғитларни ишлаб чиқаришда ва чуқур қудуқларни бурғилаш эритмаларининг хоссаларини ўрганишда физик-кимёвий, коллоид-кимёвий, графоаналитик, инфрақизил спектроскопия, рентгенузилиши тахлили, реологик, усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

дистилланган ёғ кислота (ДЁК), иккиламчи моноэтанолламин (МЭА), парафин, минерал мой асосида аммиак селитра қотишига қарши бўлган ва гидрофоб хоссага эга ЧАС СФМ-ни олиш мумкинлиги илмий асосланган. ДЁК ва иккиламчи МЭА нисбати 70:30 бўлганда сирт фаоллиги тоза МЭА га

нисбатан 8 баробар ошиши аниқланган;

ЧАС СФМ-нинг тадбиқ этиш натижасида унинг донадор аммиак селитра сиртида гидрофоб плёнка (қоплам) ҳосил қилиши ва ўғитни муддатли сақлашда қотишини олдини олиши аниқланган;

дистилланган ёғ кислотасининг куб қолдиғи, совун ишлаб чиқариш оқова суви, Шуртан ГKM иккиламчи катализатори, қўнғир кўмир кукуни асосида СФМ ГГС-1(ОГС) ларни донадор ҳолатида олиш мумкинлиги илмий асосланган;

СФМ ГГС-1 асосидаги паст фильтрация кўрсаткичига ва гидрофоблаш таъсирига эга эмульсия олиш мумкинлиги ва бурғулаш кудуқларини гилмояли деворларини гидрофоблаш ҳисобига бўқиши ва ўпирилишини олдини олиш мумкинлиги аниқланган;

ГГС-1 СФМларининг сувли эритмалари билан акрил полиэлектрولитларнинг (Унифлок, К-К-9, К-9) оптимал концентрацияси ва улар биргаликда қўлланилиш жараёнида синергизм эффеќти аниқланган;

СФМ ГГС-1нинг сувли эритмалар концентрацияси 10% дан юқори кўрсаткичга эга бўлганда гилмоя суспензияларни барқарор бўлиши ва бу ходиса тузилиш-механика фактори ва СФМ ни адсорбцион қаватларининг кучли механик хоссага эга бўлганлик билан боғлиқлиги аниқланган;

ДЁК куб қолдиғи, нефт битуми, иккиламчи резина кукуни асосида гидроизоляцияцион материал (ГИМ) олиш усулини ишлаб чиқиш мумкинлиги аниқланган, оптимал параметрлар: босим, ҳарорат, компонентларнинг нисбатлари, жараён ваќти, компонентларни қўшиш тартиби ишлаб чиқилган;

гидроизоляцияцион материалнинг структура-механик хоссасини ҳосил қилиш учун иккиламчи резина кукунинг оптимал миқдори 10% бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дистилланган ёғ кислота (ДЁК), иккиламчи моноэтаноламин (МЭА), парафин, минерал мой асосида аммиак селитра қотишига қарши бўлган ва гидрофоб хоссага эга ЧАС СФМ-ни олиш технологияси ҳамда технологик регламент ва техник шартлар ишлаб чиқилган;

пахта ёғи соапстоки дистилланган ёғ кислотасининг куб қолдиғи, совун ишлаб чиқариш оқова суви, қўнғир кўмир кукуни, Шуртан ГKM ацетилен гидрогенизация жараёнининг иккиламчи катализатори асосида саноат миқёсида ГГС-1 (ОГС) СФМ олиш технологияси ҳамда технологик регламент ва техник шартлар ишлаб чиқилган;

пахта ёғи соапстоки ДЁК куб қолдиғи, нефт битуми, иккиламчи резина кукуни асосида структурага эга гидроизоляцияцион материал (ГИМ) олиш усули ва технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган маълумотлар ва кўрсаткичлар замонавий тадқиқот усулларини қўллаш асосида ҳамда тажриба-саноат синовлари натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дистилланган ёғ кислота

(ДЁК), иккиламчи моноэтаноламин (МЭА), парафин, минерал мой асосида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари учун кимёвий маҳсулот – юқори самарадор гидрофоб хоссага эга СФМ олиш ҳамда пахта ёғи соапстоки дистилланган ёғ кислотасининг куб қолдиғи, совун ишлаб чиқариш оқова суви, ацетилен гидрогенизация жарёнидаги иккиламчи катализатор асосида геология қидирув ишлари учун муҳим ва керакли бўлган юқори самарадор СФМ ишлаб чиқариш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти ёғ-мой ишлаб чиқариши органик чиқиндиларидан ва гранулаланган сувда эрувчан СФМ лар олиш технологиясини ҳамда эмульсион-полимерли эритмасини таркибини ишлаб чиқишга, уни чуқур қудуқларда самарали бурғулашда қўллаш технологияси ва кимё, ёғ-мой ишлаб чиқариши органик иккиламчи хом-ашёддан гидрофоб СФМ лар олиш ва уларни донадор аммиак селитрани муддатли сақлашда, қотиб қолишини олдини олишга ҳамда ишлаб чиқаришнинг чиқиндиларини ишлатиш ҳисобига кимё ва ёғ-мой заводларида чиқиндисиз технологияларни жорий қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Органик чиқиндилар асосида гидрофоблаш ва стабиллаш таъсирига эга сирт фаол моддаларни олиш технологиясини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

иккиламчи хомашёлар асосида гидроизоляцияцион материаллар олиш технологияси "O'zsanoatqurilishmateriallari" уюшмаси тасарруфидаги "Stroykarst DPK" МChJ да амалиётга жорий этилган ("O'zsanoatqurilishmateriallari" уюшмаси 2023йил 13 мардаги 05/15-536-сон маълумотномаси) Натижада четдан келтириладиган арзон гидроизоляцияцион материал олиш имконини беради.

аммиакли селитранинг ёпишиб қолишини бартараф этувчи таркибга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (№IAP 05488). Натижада аммиакли селитранинг сақлаш муддатини узайтириш имконини беради;

дистилланган ёғ кислотаси куб қолдиғи ва ишлатилган иккиламчи катализатор асосида анион СФМ олиш технологияси Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг «2024 йилда амалиётга жорий этиш истиқболли ишланмалари рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2023 йил 14 мартдаги ОЗ/З-123-сон маълумотномаси). Натижада, четдан келтириладиган сульфаноли ўрнини босувчи СФМ олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10та Халқаро ва 16та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 2 монография, 3 патент ва жами 38 та илмий иш нашр этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини

чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг ва тадқиқотнинг долзарблиги асосланиб, мақсад ва вазифалар тавсифланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Ишни илмий янгилиги, олинган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тажриба синовлари, чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар, диссертация тузилишида очиб берилган.

Диссертациянинг “Сирт фаол моддаларни олиш ва уларни қўллаш бўйича замон муаммолари” деб номланган биринчи бобида муаммони ўрганиш ҳолатига оид илмий-техникавий адабиётларга шарҳ берилган. Турли синф ва турга оид СФМ (сирт фаол модда) ларни олиш масаласи батафсил ўрганилган; ионли, ионсиз, амфотер, полимер. моддалар уларнинг таркиби ва ишлатиладиган органик хом ашёлари, асосий коллоид-кимёвий хусусиятларининг афзалликлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Минерал ўғитлар гранулаларини гидрофоблаш асосида уларни қотиб қолишини олдини олиш, шунингдек бурғулаш гилмояли дисперсиясини барқарорлаштириш жараёнини батафсил ўрганиш, бурғулаш суюқликларининг седиментацион ва коагуляцион барқарорлигини таъминлаш бўйича ҳозирда қўлланиладиган технологиялар ўрганилган. Гидрофобловчи ва барқарорловчи хоссаларга эга сирт фаол моддаларни олиш ва улардан фойдаланиш усуллари ва технологиялари ўрганилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Сирт фаол моддалар олиш учун ёғ-мой ва кимёвий хом ашёнинг физик-кимёвий таҳлили”** ишлатилган объектларнинг хусусиятлари, кимёвий ва физик-кимёвий усуллари ўрганишининг таркиби ва технологик тавсифлари келтирилган. Синтез қилинган сирт фаол моддасининг асосий компонентларнинг таркиби ўрганилган: нефт парафини, иккиламчи моноэтаноламин, пахта ёғи соапстокининг дистилланган ёғ кислоталари (ДЁК), совун ишлаб чиқариш оқова суви, ацетилен гидрогенизация жараёнининг иккиламчи катализатори.


Экспериментал тадқиқотлар адсорбция жараёнларини, сирт фаоллик, кўпикланиш, реология, гилмоя бўқишини ингибирлаш ваи барча умумий қабул қилинган усуллари ўз ичига олади

Диссертация ишининг **“Ёғ-мой ва кимёвий хом ашёлардан олинган сирт фаол моддаларни физик-кимёвий тадқиқоти”** деб номланган **учинчи бобида** ишлаб чиқилган СФМ маҳсулотларининг олиш ва коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари

келтирилган.

Аммиакли селитранинг қотиб қолишини олдини олиш ва бартараф этиш учун СФМ олиш усулини ишлаб чиқиш ва синтез қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Плёнка ҳосил қилувчи ва гидрофоблаш хусусиятига эга СФМ композиция олиш учун дистилланган ёғ кислотаси куб қолдиғи (ДЁК КК), иккиламчи моноэтанолламин (МЭА) (Максам-Чирчиқ АЖ нинг водород сульфидли газларини тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган), И-40 минерал мойи ва нефт парафини хом ашё-ларнинг оптимал таркиби танлаб олинган.

ДЁК куб қолдиғи таркибида бўлган эркин ёғ кислоталари иккиламчи МЭА билан ўзаро таъсирлашади ва қуйидаги турдаги мураккаб ёғ кислотаси тузини ҳосил қилади:



Сирт фаол моддаларни синтез қилишда асосий компонентларнинг оптимал нисбати сирт таранглиги қийматларига мувофиқ танланган (1-жадвал).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, сирт фаол моддалар - ёғ кислотаси амиди (ЁКА -1) синтезида энг мақбул нисбат ДЁК : МЭА = 70:30, бунда соф МЭА билан солиштирганда ЁКА-1 сирт таранглиги 8 мартадан ортади.

СФМ ЧАС(Чирчиқ антислеживатель) оптимал таркибини аниқлашда сирт фаол моддалар иштирокида дисперс тизимлар хоссаларининг ўзгариши дисперс фаза юзасида кўшимча молекулаларнинг адсорбцион қопланиши билан боғлиқлиги аниқланди.

Бу нафақат эритмадаги кўшимчанинг молекуляр ҳолатига боғлиқ бўлиб, у гидрофобик-липофил мувозанат (ГЛМ) ва дисперс муҳитдаги сирт фаол модда молекуласининг углеводород қисмининг гидрофобик ўзаро таъсири билан белгиланиб қолмай, балки кўшимчанинг концентрациясининг функцияси булиб ва унинг физик-кимёвий хусусиятлари билан боғлиқ.

Жадвал 1.

Сирт таранглиг курсаткични СФМ ва иккиламчи МЭА нисбатига боғлиқлиги.

№: п/п:	Моддалар нисбатлари, %		СФМ ни шартли номи	Сирт таранглик, нм ² /кг
	ДЁК	Иккиламчи МЭА		
1.	70	30	ЁКА-1	109,00
2.	60	40	ЁКА -2	60,64
3.	50	50	ЁКА -3	39,44
4.	0	100	МЭА	13,24


ЁКА-ёғ кислотаси амиди.

Синтез жараёнини ўрганишда маълум бўлдики, янги СФМ таркибида МЭА миқдори ортиши билан адсорбция иши камаяди ва шунга мос равишда уларнинг сирт фаоллиги пасаяди.

Маълумки, адсорбцияланган сирт фаол моддалар қатламларининг икки ўлчовли босими сирт фаоллиги билан боғлиқ; фаоллик қанчалик юқори бўлса, икки ўлчовли босимнинг максимал қиймати шунчалик юқори бўлади.


Турли таркибдаги ЧАС СФМларини ва иккиламчи МЭАни (киска номи: ЁКА -1, ЁКА -2, ЁКА -3-ёғ кислотаси амиди) сирт фаоллиги « σ » ни ўрганиб чиқдик. У (σ) минус белгиси билан олинган сирт таранглик изотермасига унинг ордината ўқи билан кесишиш нуқтасида чизилган қиялигининг тангенси бурчаги сифатида аниқланади (1-расм).

Маълум бўлдики (1-расм) уларнинг сувли эритмасида турли таркибдаги СФМ концентрациясининг ошиши билан сирт таранглигининг қиймати анча тез пасаяди.



1-расм.СФМ ларни сувли эритмалари концентрациясига боғлиқлик сирт таранглик изотермалари : 1 - МЭА; 2 - ЁКА -1; 3 - ЁКА -2; 4 - ЁКА -3.


Олинган сирт таранглиги $\sigma = f(C)$ қийматларига асосланиб, концентрациянинг тегишли қийматларида ўзига хос солиштирма адсорбция $\Gamma = f(C)$ аниқланди (2-расм). Аниқланишича, адсорбцион изотермалар бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган экспериментал маълумотларга мос келадиган мономолекуляр Лангмюр адсорбцияси учун характерли шаклга эга.



2-расм. СФМларни сувдаги эритмаларининг концентрациясига нисбатан уларнинг ўзига хос адсорбция изотермалари: 1– МЭА; 2- ЁКА-1, 3- ЁКА-2, 4- ЁКА-3.


3 ва 4-расмларда дистилланган ёғ кислоталари ва кимёвий тоза хамда иккиламчи МЭА таркибига нисбатан олинган СФМнинг сирт таранглиги

қийматлари кўрсатилган.



3-расм. СФМ композициясининг сирт таранглиги унинг таркибдаги ДЭК (1) ва кимёвий тоза МЭА (2) боғлиқлиги.

3-расмдан кўришиб турибдики, ДЭК : МЭА = 90:10 нисбатида янги СФМнинг сирт фаоллиги кимёвий тоза МЭАга нисбатан амалда 10 баробар ортади. Бизлар синтез қилган СФМларда МЭА концентрациясининг ошиши билан сирт фаоллик ҳам пасаяди .



Расм. 4-расм. СФМ композициясининг сирт таранглиги, таркибдаги ДЭК (1) ва иккиламчи МЭА (2) таркибига боғлиқлиги.

Донадор анион СФМ синтез қилиш ва унинг коллоид-кимёвий хоссаларини тадқиқот қилиш


ДЭК куб колдиги (КК), совун ишлаб чиқариш оқова суви, кўнғир кўмир кукуни ва Шуртан газкимё мажмуаси(ГКМ) иккиламчи катализаторлари асосида сувда эрувчан СФМ синтез қилинди, олиш шароитлари: ҳарорат, концентрация, вақт ва компонентларнинг нисбати танланди.

Шуртан ГКМ иккиламчи катализаторлари иштирокида совун ишлаб чиқариш оқова сувини тўйинган ёғ кислоталарни натрий гидроксиди билан экзотермик гидролиз жараёни иккиламчи газлар чиқиши билан жадал кетади. Гидролиз жараёнида тўқ жигарранг совунсимон маҳсулот олинган, унга гидролизланган грануласимон сирт фаол модда деб ном берилган (ГГС-1). ГГС-1 сирт фаол моддасини тайёрлаш жараёнида реакцияда иштирок этадиган асосий компонентлар ўртасидаги нисбатлар танланган.

Аниқланишича, ДЁК куб колдигининг совунлаштирувчи аралашма билан гидролизланиши жараёнида ўртача молекуляр оғирлиги 582-700 бўлган ёғ кислоталарининг ишқорий тузлари шаклида сирт фаол моддалар олинган. ГГС-1 нинг сувли эритмаларининг электрокимёвий ва сирт фаоллиги аниқлаш натижасида синтез қилинган сирт фаол модданинг анионфаол табиатга эгаллиги аниқланди.

Тажриба тадқиқотлари шуни кўрсатдики, концентрациянинг ошиши билан сирт фаол моддаларнинг сувли эритмаларининг рН қийматлари ортади. Синтез қилинган ГГС-1 СФМни сувли эритмасининг сирт таранглиги сулфонол - анион сирт фаол моддасининг изотермасига яқинлашиши аниқланди, у билан таққослаш амалга оширилди. Паст концентрацияларда сирт фаол моддалар юқори сирт таранглигига эга, концентрациянинг ошиши билан у камайтирилади ва маълум бир концентрациядан бошлаб ўзгаришсиз қолади.


Турли ҳароратларда ДЁК куб колдиги асосида тайёрланган ГГС-1 СФМ-нинг 2,5-10%-гача концентрацияли сувли эритмаларининг сирт таранглигини ҳарорат ошиши билан унинг қиймати пасайиши аниқланди (5-расм). Сирт тарангликни аниқлашда натижаларни солиштириш учун дистилланган сув эталон сифатида ишлатилган.



5-расм. ГГС-1 СФМнинг сувли эритмалари сирт таранглигининг ҳароратга нисбатан ўзгариши T, (К).

ГГС-1 СФМ намуналарининг сувли эритмаларининг кварцда адсорбциясини ўрганиш натижасида ДЁК КҚ нинг кварцга адсорбцияси маълум чегарагача ($8.3 \cdot 10^{-2}$, кг/кг) барқарорлик ортиб бориши билан тавсифланиши аниқланди.

Адсорбциянинг бундай ўзгариши Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбцион изотермасига тўғри келади ва изохланади, бунда эриган модда қаттиқ адсорбентнинг бутун сирт юзасида эмас, балки фақат унинг фаол марказларида адсорбцияланади. 0,25% ли паст бўлган концентрацияларда молекулаларнинг ионлари кварцда адсорбцияланади ва 0,5%-ли концентрациядан бошлаб (мицеллаланишнинг критик концентрацияси ҳосил бўлган ҳудуд) сирт фаол модда (СФМ) мицеллалари адсорбцияланади (6-расм).




6 расм. ГГС-1 СФМ нинг кварцда адсорбциясини ўрганиш.

Шуни таъкидлаш керакки, кислота-ишқор мухитда ион алмашинуви ва сирт фаол моддалар ионларининг электростатик тортишиш механизми орқали сирт фаол бирикмаларнинг қисман шаклланиши билан ўзаро таъсир қилиш имконияти истисно қилинмайди.

СФМ синтези жараёнида, ДЁК КҚ таркибидаги ёғ кислоталари совун ишлаб чиқариш оқова таркибидаги натрий гидроксид (калий гидроксид) билан ўзаро таъсирланиб, кўпикланишга мойил бўлган ёғ кислотасининг натрий (калий) тузини ҳосил қилади.

Синтез қилинган ГГС-1СФМларни кўпикланиш қобилияти ўрганилганида, уларнинг натрий олеатларига яқин эканлигини аниқлади. Синтез қилинган ГГС-1 СФМнинг кўпикланишини ўрганиш қуйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича амалга оширилди: кўпикланиш қобилияти, кўпик ҳосил қилиш даражаси, барқарорлик (турғунлик), кўпик дисперслиги (7-расм).



7-расм. ДЁК куб колдиги-даги ёғ кислоталари концентрациясига боғлиқ равишда ГГС-1 СФМнинг сувли эритмаларида кўпикланиши: 1 - 50%; 2 - 60%; 3 - 70%; 4 - 80%.

Олинган СФМларнинг кўпикланиш қобилиятининг ошиши ёғ кислоталаридаги углеводород радикаллари занжир узунлигининг ошиши билан боғланганлиги ва уларнинг сирт фаоллигига боғлиқлиги аниқланди.

Сирт фаоллик, ўз навбатида, сирт фаол модданинг алкил занжирининг

узайиши билан молекулаларнинг гидрофоб қисмлари орасидаги тортишиш кучларининг кучайиши туфайли ортади. Бироқ, алкил занжирининг 14 углерод атомидан ошиши эритма ичидаги молекулаларнинг агрегацияланишига олиб келади, бу эса сирт таранглигини оширишга ва кўпикланиш қобилятини пасайишига ёрдам бериши кузатилди..

Углеводород занжирида тармоқланишнинг мавжудлиги кўпикланиш қобилятининг ошишига олиб келиши аниқланган, лекин ўта тармоқланиш эритмаларнинг кўпикланишини ёмонлаштиради. СФМ концентрация-сининг ошиши билан кўпикланиш қобилятининг ўзгариши мицеллаланиш билан боғлиқлиги аниқланди

ДЁК куб қолдиги , нефть битуми ва резина кукуни асосидаги композицион СФМ ларни синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.

Биз нефт битумидан ва дистилланган ёғ кислоталарининг куб қолдигидан, шунингдек, резина кукунидан иборат гидроизоляцияцион материал (ГИМ) ишлаб чиқилди..

ГИМ таркибидаги нефт битуми миқдорининг (5% дан ортиқ) кўпайиши, шунингдек дистилланган ёғ кислоталарининг куб қолдиги таркибининг (5% дан ортиққа) кўпайиши ГИМ нинг мустаҳкамлик хусусиятларини пасайтиради. Таркибидаги резина кукуни кўпайиши композицияни қалин, каучукга ўхшаш массага айлантиради, лекин у билан ишлашни қийинлаштиради ва резина кукуни миқдорининг камайиши совуқ ва иссиқликка чидамлилигини пасайтиради. ГИМнинг турли намуналарининг таркиби ва физик-кимёвий тавсифлари 2 ва 3-жадвалларда келтирилган.

Жадвал 2.

Гидроизоляцияцион композициянинг оптимал таркибини танлаш. ГИМнинг, узилувчанлиги) ўрганиш асосида тузилган.

№	Компонентлар	ГИМ намунаси, (масс.%)				
		1	2	3	4	5
1.	Битум БН 90/10, (ГОСТ 9548-74)	30	32	35	38	40
2.	ДЁК куб қолдиги	55	50	45	45	51
3.	Иккиламчи Резина кукуни	6	7	8	9	10

2-жадвалдан кўришиб турибдики, композицияларнинг тавсия этилган миқдорий таркибидан четга чиқиши баъзи физик-механик кўрсаткичларни ёмонлаштиради: 50 мм кенгликдаги қоплама тасмаси чўзилганида узилиш кучи камаяди, юмшаш ҳарорати пасаяди ҳамда иссиқликка чидамлилиги ҳам камаяди.

3-жадвалдан маълум бўлишича, 35 - 40% (масс.) битум, 57 - 50% ДЁК КК ва 8 - 10% резина кукуни ўз ичига олган гидроизоляция таркиб юқори совуқ ва иссиқликка, шунингдек коррозияга чидамлилиги билан аҳамиятли.

3-жадвал.

Гидроизоляцияцион композициясининг турли намуналарининг физик-кимёвий тавсифлари

Тавсифи	№ таркиби ва намунаси, масс.%					
	1	2	3	4	5	Прототип
Чўзилишдаги узилишга мустаҳкамлик, МПа:	0,85	0,90	0,80	0,90	0,75	0,70
60 суткадан кейин	0,85	0,87	0,60	0,90	0,70	0,65
Узилишдаги нисбий чўзилувчанлик, %	150	155	148	160	140	120
60 суткадан кейин	140	158	145	150	140	115
Мўртлилик ҳарорати, °С:						
-бошланғич	-40	-40	-30	-40	-35	-30
60 суткадан кейин	-30	-35	-28	-30	-32	-29
Металлга адгезияланиши, МПа:						
-бошланғич	0,60	0,83	0,55	0,50	0,80	0,60
-60 суткадан кейин	0,51	0,80	0,46	0,40	0,85	0,57
Сувга чидамлик, (лойқа сувларда бўкиши), %:						
-бошланғич	0,09	0,08	0,08	0,09	0,20	0,20
-60 суткадан кейин	0,12	0,09	0,09	0,15	0,24	0,26

Тавсия этилаётган гидроизоляцияцион композициянинг таркибидаги резина кукунининг фоизини камайтириш иссиқликка чидамлиги ва мустаҳкамлик хусусиятларининг пасайишига олиб келади.


Биз томонимиздан ишлаб чиқилган гидроизоляцияцион композициясининг (ГИК) оптимал таркиби куйидагича, (масс.%): битум - 40; резина кукуни - 10; ДЁК КҚ - 50.

Юқоридаги гидроизоляцияцион композиция таркибида БНД 90/10 маркали йўл битуми, шунингдек, ишлатилган автомобил шиналарининг майдаланган иккиламчи маҳсулоти ишлатилади.

ГИК ни оптимал рецептини танлаш ва унинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ГИК таркибини такомиллаштириш туфайли: резина кукуни ва ДЁК КҚ ларнинг ёрилишга қарши кучини оширади, мўртлик пасаяди, металл ёпишишқоқлик қобилиятини ва сув ўтказмасликни оширади.

СФМ ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини ишлаб чиқиш ва уларнинг технологик хоссаларини ўрганиш номланган диссертация ишининг тўртинчи боби, куйидагиларга бағишланган бўлиб, аммиакли селитранинг қотиб қолишга қарши сирт фаол моддасини саноат миқёсида олиш бўйича физик-кимёвий хоссаларини тадқиқоти келтирилган.

Ёғ кислотаси амиди (ЁКА) асосида синтез қилинган СФМ ни тажриба саноат миқёсида алкилоламид олиш технологияси ишлаб чиқилган. Саноат тажриба қурилмаси йиғилди. Реакцияга кирувчи компонентларни оптимал нисбаталари, уларни кетма-кетлиги, босим, ҳарорат, концентрация ва жараён даври танланган. Куйида ЧАС СФМ нинг технологик схемаси келтирилган (8-расм).



8-расм. Аммиакли селитрани қотиб қолишига қарши реагент- ЧАС олишнинг технологик схемаси: 1, 2- аралаштиргич реакторлари; 3-насос; 4- ДЁК учун сифим; 5 - МЭА учун сифим; 6- парафин учун сифим; 7-И-40 минерал мой учун сифим; 9- эмульгатор учун сифим; 10- тайёр маҳсулотлар учун сифим; 11 – 200 литрли бочкалар - тайёр маҳсулот учун.


4-жадвалда ЧАС СФМнинг таркибидаги компонентларининг оптимал нисбатлари, физик-кимёвий кўрсаткичларининг солиштирма тахлили ва таққослаш асосида танланган.

4-жадвал.


Чирчик антислеживатели (ЧАС) СФМнинг –физик-кимёвий хоссалари.

Параметрлар номи	Таснифи ва меъёри
Ташқи кўриниш	Ўзига хос хидли мумсимон куйқа
Ранг	тўқ жигаррангга
Чақнаш ҳарорати, камида, °С	240
Ароматик бирикмалар массавий улуши, кўп эмас. %	5,0
Зичлик, (20°С) г/см ³	0,90-0,95
Қовушқоқлик, спз, (40°С) камида,	40-60
Механик аралашмалар, кўп эмас, %	0,5
Жуков асбоби бўйича қотиш ҳарорати, °С	45-55
Сув миқдори, кўп эмас. %	0,3

Хамда, донатор анион ГГС-1 СФМ ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратиш бўйича тадқиқотлар бажарилди. “ГГС-1” СФМ олиш жараёни бир неча босқичда олиб бориш аниқланган. Дастлаб, натрий гидроксиди алюминий оксиди билан реакцияси бўйича, совунлаштирувчи аралашма тайёрланади.




Сўнгра, ДЁК КҚ совунлаштирувчи аралашма (натрий алюминат) ва натрий гидроксид қолдиқлари билан ўзаро таъсирлашади.



Гидролиз реакциясининг якуний маҳсулоти сувда яхши эрувчан донатор сирт фаол модда ҳосил бўлади.

Қуйидаги 9-расмда ГГС-1 ни саноат тажриба миқёсида ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси келтирилган.

ГГС-1 СФМ олишнинг технологик схемасида асосий элемент қўшалок валли аралаштиргич (5-поз) бўлиб, бу ерда хом ашёни босим билан узатувчи резервуарлардан (2 ва 4-поз) ДЁК КҚ ва совунлаштирувчи аралашма етказиб берилади. ГГС-1 СФМ тайёрлашда совунлаштирувчи аралашма (3-поз) реакторда тайёрланади, бу ерга совун ишлаб чиқариш оқова суви, NaOH эритмаси ва Шуртонгазкимё мажмуаси иккиламчи катализатори берилади.



Расм. 9 ГГС-1 сирт фаол моддасини олишнинг технологик схемаси.

1- ДЁК КҚ учун сиғим; 2 - ДЁК КҚ ўлчагичи; 3 - совунлаштириш учун сиғим; 4- совунлаштириш учун ўлчагич; 5- қўшалок ўкли аралаштиргич; 6- транспортер; 7 – марказдан қочма куч билан ишловчи насос; 8- NaOH эритмаси учун сиғим; 9-грануллиланган NaOH учун сиғим; 10- туширувчи бункер; 11-қўнғир кўмир кукуни қўшиладиган қисм; 12 - совун ишлаб чиқариш оқова суви сиғим; 13 – донадор СФМ ГГС-1 учун сиғим.

ГГС-1 сирт фаол моддасини олиш технологиясини ишлаб чиқишда қуйидагилар аниқланди:

технология-икки босқичли жараён бўлиб, бунда 1-босқичда натрий гидроксиднинг Шуртон ГKM иккиламчи маҳсулоти иштирокида сувли эритмасини тайёрлаш;

маҳсулот сифатли бўлиши учун иккиламчи катализаторнинг юқори реакцион фаоллиги, жараён вақти, унинг интенсивлиги ва аралаштириш вақтига боғлиқлиги аниқланган.

ГГС-1 тажриба намуналарини коллоид-кимёвий ва технологик хусусиятларини тадқиқоти натижасида, нефт, газ ва қаттиқ фойдали қазилмаларни бурғулашда чуқур қудуқларнинг гилмояли деворларини гидрофоблаш таъсирига эгаллиги аниқланди.

Иккала ҳолатда ҳам гилмоя бўкиши билан бирга, бурғулаш суёқлиги намлигининг фаол ютилиши содир бўлади. Бундай гидратция адсорбцион ва осмотик кучларнинг таъсиридан келиб чиқади. Биринчиси, алмашилиш адсорбцияси пайтида тез-тез содир бўладиган сирт гидратциясини келтириб чиқаради, бундай алмашилиш эса гилмоя ва бурғулаш суёқлиги таркибидаги катионлар ўртасида намоён бўлади.

- ярим ўтказувчанликликка эга тўсиқнинг ҳар икки томонида модданинг концентрациялари фарқини мавжудлигида осмотик босимли бошқа кучлар намоён бўлади. Кўпгина ҳолларда, гилмоя қатламларни тоза сувдан яхши ўтадиган ва ионларни деярли ушлаб турадиган ярим ўтказувчан тўсиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Қаттиқ фаза миқдори кам бўлган агрегатив барқарор эмульсион бурғулаш суёқликларини яратиш учун К-9 полиэлектрولити ва ГГС-1 сирт фаол моддасининг сувли эритмасидаги гилмоя минералларининг бўқиш кинетикаси ўрганилди.

5-жадвалда К-9 полиэлектрولити ва дистилланган сувнинг 0,5% ли сувли эритмаси билан солиштирганда 20% ли ГГС-1 эмульсиясининг гилмоя бўқишига қарши гидрофоблаш ва ингибирлаш ва хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

5-жадвал.

Бентонит гилмояларининг турли муҳитларда бўқиш жараёнини ўрганиш

Муҳит таркиби	Турли конлардан оланган гилмояларнинг номлари	Гилмоя намунасини сувда 3 соат ушлаб турилганида унинг хажмини ўзгариши, %
20%-ли ГГС-1 эмульсияси	Самарқанд вилояти, Каттакўрғон кони	38
	Навоий вилояти, Навбахор кони	40
0,5%-ли К-9 сувли эритмаси	Самарқанд вилояти, Каттакўрғон кони	68
	Навоий вилояти, Навбахор кони	64
Дистилланган сув	Самарқанд вилояти, Каттакўрғон кони	96
	Навоий вилояти, Навбахор кони	98

5-Жадвалдан кўришиб турибдики, гилмоянинг бўқишини камайтириш бўйича (гидрофобизация самараси) ўрганилаётган эритмалар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилганлигини кўрсатади:

ГГС-1 СФМнинг 20% эритмаси > 0,5% К-9 эритмаси > дистилланган сув.

ДЁК КҚ совун ишлаб чиқиш оқова сув ва қўнғир кўмир кукунидан олинган анион СФМ ГГС-1 нинг турли конлардан монтмориллонит гил суспензиясининг барқарорлашуви ва структура ҳосил бўлиш жараёнига таъсири ўрганилди.

Тадқиқот мақсади СФМлар табиатининг, уларнинг гилмоя дисперсияси билан ўзаро таъсир жараёнини аниқлаш, ҳамда кимёвий ишлов бериладиган

реагентлар ассортиментини кенгайтириш ва структура ҳосил қиладиган жараёнларини бошқариш мумкинлиги аниқланган.

Ўрганилаётган СФМларнинг сирт фаоллиги дисперсион муҳит - сувнинг сирт таранглигининг ўзгариши, улар билан ишлов берилган гилмоя суспензияларининг структуравий – механик ва фильтрлаш хусусиятларига таъсири билан тавсифланган.

Бир вақтнинг ўзида ГГС-1 сирт фаол модда билан ишлов берилган бурғулаш суюқликларининг технологик хусусиятлари ўрганилди.

ГГС-1 СФМнинг сувли эритмаларида кислота сони 25 дан 30 мг / КОН гача бўлиши аниқланди. ДЁК КҚ нинг совунланиши атмосфера босимида ва ўртача 100°C ҳароратда амалга оширилганлиги сабабли, фақат эркин ёғ кислоталари нейтралланади. Ёғ кислоталарининг ҳосил бўлган натрий тузлари (анион сирт фаол моддалар) сувда яхши эрийди, совунланмаган ёғ маҳсулотлари (глицеридлар) молекулаларининг натрийли совунларга электрокимёвий таъсири туфайли эмульсия ҳосил бўлиши кузатилди. Айнан шу ҳолат билан юқори сирт фаолликка ва адсорбцион хусусиятларга эга бўлган совунланган ДЁК КҚ нинг барқарор эмульсиясини олиш изохланади.

Бурғулаш суюқлигининг асосий технологик кўрсаткичларининг унинг концентрациясига боғлиқлиги ўрганилди. Эмульсия 5-, 10-, 15- ва 20% концентрацияли сувли эритмалар шаклида тайёрланган. ГГС-1 эмульсиясининг энг яхши фильтрлаш, барқарорлаштириш ва реологик кўрсаткичлари асосида оптимал концентрациясини танлаш натижалари б-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

ГГС-1СФМ эмульсиясининг концентрациясига нисбатан технологик параметрларининг ўзгариши.

ГГС-1 СФМ эмульсион эритмасининг концентрацияси		Технологик параметрлар					
		γ , г/см ³	Т, сек	В, см ³	К, мм	рН	Бир суткада тишдириш,%
1	4%-ли эмульсия	1,05	18	13	1	8,5	2
2	8%- ли эмульсион	1,01	20	10	1	8,5	1
3	15%- ли эмульсия	1,02	23	9	1	8,0	1
4	20%- ли эмульсия	1,03	26	6	0,5	9,0	0,5
5	25%- ли эмульсия	1,04	29	5	0,5	9,0	0

6-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бурғулаш эмульсия суюқлигининг энг мақбул концентрацияси 15% ни ташкил қилади, бунда фильтрация, барқарорлик ва қовушқоқлик бўйича энг яхши технологик

параметрлар олинган. 20–25% эмульсияли концентрациясида фильтрацияси, барқарорлиги ва қовушқоқлиги бўйича ҳам мақбул натижаларга эришилганлиги кузатилди.

Термостат қўллаш шароитида, Унифлок ва СФМ ГГС-1 (ОГС) билан ишлов берилган, Келес конидан олинган гилмоялардан тайёрланган суспензияларнинг асосий технологик параметрлари ўрганилди. Полиэлектрولит "Унифлок"нинг концентрацияси 0,1 – 0,25% интервалида бўлганида ГГС-1 СФМнинг сувли эритмаси 5-, 10- ва 20% концентрацияларда тадқиқот учун олинган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, термостатлашдан сўнг Унифлок полиэлектрولити билан ишлов берилган гилмоя эритмаси оқувчанликни йўқотади. ГГС-1 эмульсиянинг 15%-ли концентрацияси қониқарли филтрлаш ва реологик кўрсаткичига эга бўлганида қовушқоқлик кўрсаткичи юқори даражада (СПВ-5 бўйича 28 сек) бўлади. Ўпирилишга мойил бўлган тоғ жинсларни бурғулаш жараёнида ГГС-1 нинг энг мақбул сувли эритмаси концентрацияси 20% бўлиб ва унда шартли қовушқоқлик кўрсаткичи 18 секунд (СПВ-5 бўйича) бўлиши аниқланди.

Таққослаш учун ГГС-1 сирт фаол моддасининг Азкамар конидан олинган бентонит асосида тайёрланган гилмоя суспензияларига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Солиштирув суюқлик сифатида, қўшимчаларсиз олинган гилмоя эритмаси ва 12% концентрацияли ГГС-1 СФМнинг сувли эритмаси олинган. 0,1 дан 0,5% концентрациали полимер реагентлар ҳар хил миқдорда эталон гилмоя эритмасига қўшилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, дастлабки гилмоя эритмасига ГГС-1 сирт фаол моддаси қўшилиши миқдори 0,1 дан 0,5% гача кўтарилганда, эритманинг шартли қовушқоқлиги 22 дан 27 секундгача ошади, филтрация кўрсаткичи 13,5 дан 10 см³ гача камаяди, статистик силжиш қуввати кам даражада ошади (10%) бу ГГС-1 СФМнинг гилмояли дисперсияларига барқарорлаштирувчи таъсирдан далолат беради.

